

ЕР, МЕХНАТ, ПАТНЖА

Маълумки, деҳқончиликда яил-йилга ўхшамайди. Иш осон кўчган, ҳосил қийинчиликсиз етиштирилган йил бўлмайди. Аммо тадбиркор деҳқон ҳар қандай шартда ҳам мўл ҳосил олади. Совхозимизда ана шундай иродали, миришкор деҳқонлар кўп. Шунинг учун ҳам топириқлар доимо урғиланмоқда. 1983 йилда давлатга 11 минг 800 тонна пахта етказиб берган бўлсакда, кўнг. димиз тўлмади. Чунки, бундан ҳам юқориқроқ натижаларни кўлга кiritишимиз мумкин эди. Бу йил пахтакорларимиз ўтган йилги ҳашишларнинг тақорларини, та йўл қўйишлар, 13 минг тонналик маъраи эгаллашга аҳд қилганлар.

Деҳқончиликда барана уруғдан бошланади. Виз сўнгги йилларда бу масалага ақидий эътибор бермоқда. 1980 йилда совхозимизда «Тошкент-1» навиди ақидий экиларди. Гарчанд, унда мўл ҳосил етиштирсакда, мўлжалнидаги натижага эришмасдик. Ана шунақисимлар ва мутахассислар билан маслаҳатлашиб, янги «Вобейт-2» навиди пахтани синобат ўтказишга қарор қилдик. Дастлабки йили бу навиди 6-бўлимнинг Отабек Айнабоев бошчилиги қилаётган бригадасида синов кўрдик: совхоз бўйича энг юқори ҳосил олинди. Энг муҳими пахтанинг сифати яхши бўлди. «Тошкент» навида нисбатан 15—16 кун илгари пишиб етилди. Биз шундан кейин янги нави хусусиятларини янада чуқур ўргандик ва кўпайтириб бордик. 1984 йилда 2800 гектар майдонга «Вобейт-2» нави чигити экилд.

Маълумки, бу йил баҳор анча қуруқ ва совуқ келди. Биз юз берган шартини ҳисобга олиб иш юритдик. Чигит экилган, уруғлик унмаган майдонларга кўп ўтмай сув бердик. Натижада уруғлик ўз вақтида, тўла ушиб чиқди. Сўнгги нўҳолларнинг ривожини тезлаштириш чора-тадбирларини кўрдик. Ягана вақтида ўтказилиб, ҳар гектар ерда ўртача 115—120 минг туп кўчат сақлаб қолдик.

Тўла гектарлар ҳосил қилинса, ғўза ривожини анча қисқартади. Буни анга олишда совхознинг йилда бу маҳсулани муҳофиза қилиб, қўшимча тадбирлар белгилаш. Биринчи навбатда ғўзанинг еришн ўсиши учун шартини яратиш керак эди. Бу даврда экиннинг илдизини тулроқнинг юқори қисмида бўлишини ҳисобга олиб, еришнги ўстири қисмини қоплатишга киришдик. Култиваторга «РОР» мосламаси ўрнатилиб, энг ниҳолни тулроқ кўмиб қоплатиш учун ҳимоя воситалари (дисклар) қўйиб, экин қатор оралиқларга қўшимча ишлов берилди. Натижада биринчи култивациядаёқ ер юзасидаги қатқалоқ юмшад, бегона ўтларнинг илдизлари йўқотилди. Энг муҳими тулроқда ҳарорат кўтарилиди.

Совхозимизда ишчи кучи оз, 7,5—8 гектар ерга бир ишчи тўғри келади. Шунинг учун кейинги йилларда дала ишларида механизациядан фойдаланиш самарадорлигини

ни ошириб боришга асосий эътиборни қаратмоқдамиз. Мутахассислар билан маслаҳатлашиб, комплекс механизациялашган янги бригадалар ва звенолар ташкил этилди. Айни пайтда 28 та пахтачилик бригадаси билан биргаликда 62 та звенонинг ерлари алоҳида технология карталарга олинди. Бу карталар асосида бригада ва звенолар ерларининг шарт-шароити, тулроқ тузилиши ҳам ўрганилди. Бу тадбир ҳамма ерда ғўза парваришида механизацияни кенг қўлданниш ва ишнинг сифатли бажарилишини таъминлайтир.

Култивациянинг нормал ўтказилиши мўл ҳосил етиштиришда катта аҳамиятга эга. Бир мисол: 4-бўлимнинг Тўхтасин Қосимов бошчилиги қилаётган бригадасида кўчатлар сулейи бошланди. Мутахассислар билан бунинг сабабини текширишда шундай нарсалар бўлиши, бу картадаги тулроқ еруқ тураси бўлиб, ер юзаси қотиб қолган. Дарҳақ маҳсулоти мослама исалди ва «Беларусь» тракторларига тиркалиб, экин қатор ораси 25—30 сантиметр чуқурликда юмшатилади. Чечма-пеш

Хўжалик РАҚБАРИ МИНБАРИ

озиқлантирилиб, «суғорилди. Натижада экинлар нормал ривожланиш бошлади.

Ғўза кун савабидан ўсимлик. Шунинг учун ҳар бир тадбирини вақтида ўтказиш керак. Июлдан, минерал ва маҳаллий ўғитларни мўлдатда бермасангиз, ҳосилнинг пишиб етилиши кечикчи метад. Биз ҳар йили ғўзани уч марта минерал ўғит билан озиқлантираемиз. Биринчи марта чигит экин билан биргаликда, иккинчи марта вегетация даврида гектарга 100 килограммдан азот, 150 килограммдан аммофос берилди. Кўп йиллик тажрибалар ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантиришни июнь ойида тугаллаш юқори самара беришини кўрсатди. Албатта, бунда ғўзанинг ривожини ҳисобга олиш керак. Биз аниқлаб чиқдик, 6 та картада ғўзалар ривожини кечикляпти. Бу карталардаги ғўзаларга қўшимча ўғит солиниб ишлов бериш белгиланди.

Илгарилари совхозимизда калий ўғити нормадангиз қараганда анча кам сарфланарди. Тўрт йилдирки, ҳар гектар ерга 140—150 килограмм миндорида калий ўғити берамиз. Бу пахтанинг ривожини кўпайтириш билан бирга даладаги айрим касалликларнинг олдини олаётим.

Совхозимизда июль ойи ғўза парваришида зарбор палла деб эълон қилинди. Бу даврда амалга ошириладиган ишлар конкрет белги-

лаб олинган. Айни кунларда 20 та трактор ердамида тўғри чикарилмоқда. 3 та ҳосил машинасида бу тўғилар элиниб, ғўза қатор оралиқларга солинапти.

Кунлар иситган сайин экиннинг сувга бўлган талаби ортиб борапти. Демак, бундан буён ғўза парваришини оқилона ташкил этиш кўп жиҳатдан экинни қондириб суғоришга боғлиқ. Совхозимизда ғўзанинг ҳолати, тулроқ шартини қараб суғу қўйилмоқда. Агар сувчи ишчи сифатсиз балқарса унга жарима солинади.

Айни кунларда 200 нафар сувчи кечаси-кундузи экинга оби-ҳаёт тарамоқда. Тақриблар «Вобейт-2» нави ғўзаси «Тошкент» навида қараганда 1,5—2 марта кўп суғорилганда мўл ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатди. Шунинг учун биз, бу йил ғўзани кимда беш марта суғоришга аҳд қилдик.

Харорат қилинган сайин зараркунада ҳашаротлар ҳам жонланяпти. Совхозимизда май ойининг ўрталаридаёқ барча бригадаларимизда нозаратчиларнинг иши жонланяпти. Биологатория миз мунтазам ишлаб турипти. Айни кунларда шира ва трипсга қарши биологик усулдан ташқари ОВХ пуркагичларида «БН-5В» препарати, ўргимчакананга қарши алтигўшт суюқлиги, кўсак қуртига қарши дендробациллин ва фазалон араваласи сепилмоқда.

Бу йил зараркунада қарши курашда самолётдан бутунлай воз кечдик. Бу ишлар 16 та ОВХ пуркагичлари ердамида бажарилмоқда. Яқин йиллар ичда биологаторияимизни янада кенгайтириб, ҳашаротга қарши курашда фақат биологик усулдан фойдаланамиз.

Ғўза парваришини намунали ташкил этиш бўйича бўлимлар, бригадалар, звеноларга ташкил этилган социалистик мусобақа самараси қувончли бўлмоқда. Бу мусобақага ҳар ўн кунда якун ясалиб, голиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилмоқда. Хўжалигимизнинг Бекки Худойберганов раҳбарлик қилаётган 6-Салим Қорабев етакчилигида 4-Фабридин Тур. сунов бошчилиги қилаётган 3-бўлимларида, СССР Олий Советининг депутаты Кежа Аҳмедова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Сайфиддин Қўшмурад, об-ласт «Оқ олтин» мукофоти-нинг лауреати Ҳамид Бобо-жонов, Шарофат Саримов-қова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор Ми. хайр Ковешников сингари тажрибали пахтакорлар бош-чилик қилаётган бригадалар, да, айниқса, ғўза парвариши намунали олиб боришмоқда. Улар юбилей йилида ҳар гектардан 50 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиш ташаббуси билан майдонга чиққан.

Бир сўз билан айтганда совхозимизда юбилей йили ҳосили учун кураш кундан-кунга авж оляпти.

Т. КАРИМОВ,
Оққўрғон райондаги
«Оққўрғон» совхозини директори.

ЖУРНАЛИСТ МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ

Партком секретари Собир Айтубоев хўжалик юмушлари билан борган кўшнни районлардан бирдан қўйидаги ҳикояни эшитиб қайтди. У ерда йигирма йилга яқин колхозга раислик қилган кишини пенсияга кузатишди. Шунча йил ўзлари билан бирга ишлагани, яхши кунларида ҳам, оғир кунларида ҳам бирга бўлган одамга ҳурмат юзасидан хайрлашув кечаси ташкил этилибди.

— Яхши-ёмон гапирган бўлсам, кечиринглар,— дебди раис бироз кўнгли бузилиб,— мен нимани деган бўлсам, колхоз иши бўлақолсин, план тўлақолсин деб айтдим, холос...

Шунда ўртага кўксига оппоқ соқоллари тўшган отахон чиқиб, шундай дебди:

— Гапларинг тўғри, ўғлим. Сен раис бўлгандан бери колхоз ҳар йили планини бажарди. Бунинг эвазига мукофотлар олди. Лекин афсуски, сендан ҳеч бир эсдалик қолмади. Сен биронта бироқ кўрармадинг. Ахир ишон ўзидан кейин из қолдириб кетиши керак-ку. Мен мана шунга ачинаман, болам.

Собир ана бу воқеани раиста ҳикой қилиб берган эди, у маъноли бош қайдади.

— Виз ҳам ўз ишимизни тезлаштиришимиз керак.

Ана шундай қилиб, колхоз тарихи муноси, маданият саройи, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар учун ёдгорилик қўриш ишлари жонланяпти. Шунинг билан ҳамма байрами арафасида объектларнинг янгилаштирилиши маросими бўлди. Раис Султон Ғисов ва партком секретари Собир Айтубоев колхозчиларнинг маданий-маиший шартини янада яхшилаб, республика юбилейига қадар яна иккита дала шийони, ноёвхожа,

медпункт, чойхона қабила бунёд этмакларини айттишди.

Кичкинагина бир колхозда шунчалек ишлар қилинаётгани кўпчилигини ўйлантириб қўйди. Қолаверса, хўжалик унча бадавлат ҳам эмас. Ўтган йили 1 миллион сўм соф фойда олинди, холос. Шундан 46 минг 600 сўми фақат маданий-маиший ишларга сарфлашга ажратилди. Демак, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эътибор бериш билан бирга маданий-маиший соҳаларини

қолхозга ҳамма аъзо бўлаолади, деган унчалек тўғри бўлмаган фикр ҳукм сурмоқда. Эндиликда юқори унчалек, анча мураккаб техника, қишлоқ хўжалигини олдиға қўйилаётган вази-фалар ана шундай фикрларни ўзгартириб қўйди. Тўғри, колхозга ҳамма ўрта маълумотли ёшларни қабул қилиш керак, деган билан иш битавермайди. Айниқса, шаҳар атрофидаги колхозларда бунга амалга ошириш қийин. Негаки, ёшлар шун-доққина қўл узатса етгудек

ришда хўжаликлар раис ва директорларнинг маданий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳам кўп иш қилишлари керак. Агарда бу вазифаларни бажаришга ўз ишларидаги бажариш учун имкон бўл-маса, уларни бошқа юмушлар билан чағитилмас, бўлсан хўжалик фақат ютади. Афсуски, ўринбосарларнинг кўпчилигида турли юмушлар юклаб қўйилади.

Мазкур колхоз раисининг ўринбосари Рабиха Юнусова. Олий маълумотли бў-қиз ўз соҳасидаги барча иш-

голиб қилдики — машина. 50 ёни 60 эши кирдин — машина... Бу раисга ҳам яхши. Чунки у йилдаги натижа: «колхозимизда турмуш маданияти тобора юксалмоқда, кишиларимизда фалонча машина бор» деб, маънади.

Мазкур хўжалик партия комитети аъзолари шу масала бўйича раис билан тортишиб қолди: «Колхозчилар турмушлари учун энг керакли бўюмлар сотиб олишсин» дейишди улар. Шунда правление аъзоларидан бири «Ўз меҳнати натижасида топи-лган пулни қандай сарфлаш колхозчининг шахсий иши, унга аралаштишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ» деди.

Бизингча бор. Хозир партияимиз олдимизга тарбията комплекс ёндашиш масаласини қўйётган экан, одамларни қандай яшаш, жумладан, оилани бюджетни қандай сарфлашга ҳам ўргатиш зарур. Бу кишиларнинг турмуш маданиятини ошириш қандай қилганидан ишларимизнинг ажралмас қисми-дир.

Негадир баъзи жойларда хўжалик унинг раҳбарлари обрўсини фақат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан ўлчагани-ю, худди шу ишлаб чиқариш натижасида колхоз ва совхозларда нималар бунёд этилаётгани, одамларнинг турмуш маданияти даражаси назардан четда қолди-рилади.

Халқда, ҳаётида ақалли бир жуфт дарахт ўтганган одам беиз яшамасди, дейиш-га ҳаққи бор, деган нақл бор. Нева қозлаб одамлар тақдирини, давлатнинг минг-минг сўмлаб маблағи ишон-ини топиштирилган экан, хўжалик раҳбарлари ҳам ўзларидан ўчмас, яхши бир из қолдиришлари керак.

Абдусаттор ҲАТАМОВ,
Ўзбекистон ССР Жур-налистлар союзини муко-фоти лауреати.

ЕТ ЭЛ АХБОРОТИ

МОНГОЛИЯДА ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИЯСИ ҒАЛАБА ҚОЗОНГАНЛИГИНИНГ 63 ЙИЛЛИГИГА

ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДҮСТЛИК

МХР пойтахтининг қон марказида. Ҳукумат уйи ол-дига Монголия халқ револю-циясининг дохилси Д. Сух-Баторга ўрилатилган улғур ҳар хайкал ҳақ ростлаб ту-рипти. Унинг олға қаратил-ган ўнг қўли уфқдан бош кўтараятган қушга қўналган.

Бу монгол халқининг эиё ва эркинликка интилиши рамзини ифодаляди. Худди шу майдонда 1921 йил 11 июлда Д. Сух-Ба-тор ҳокимият меҳнаткаш халқ қўлига ўтганлигини эълон қилган эди. 1921 йили халқ революцияси Мон-голия тарихида энг муҳим босқич бўлди. Бу революция Улғур Октябрь иштини давом эттириб, янги ҳаётни қу-ришга йўл очиб берди, халқ-ларимиз тақдирларини ман-гу бирлаштирди. СССР ва МХР ўртасида мутлақо ян-гича муносабатларни қарор топтирди. Бу муносабатлар тенг ҳуқуқлилик, бир-бирини ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдам, пролетар интернационализм принциплари асосланган эди.

Мамлакат Монголия Халқ Революцион партияси раҳ-барлигида феодализм ва мустамлақачиликнинг оғир меросидан ҳалос бўлди, ка-питализмни четлаб социал-измга ўтди, МХРни соци-ал-иқтисодий ривожланти-риш масалаларини муваффа-қиятли ҳал этмоқда. Рес-публикада фақат кейинги йигирма йил мобайнида асо-сий фондлар 8,6 баравара, меҳнат унумдорлиги 2,6 мар-тага, миллий даромад 2,9 мартага кўпайди. Монголия аҳоли жон бошига гўшт етиштириш ҳажми бўйича жаҳонда бешинчи ўринни эгалляйди. Ўтган йилнинг ўзида мамлакатда 800 минг тоннага яқин дон, 130 минг тоннадан кўпроқ картошка ва сабзавот етиштирилди. 1960 йилдан кейинги даврда аҳоли жон бошига тўғри ке-ладиган реад дарамадлар ик-ки бараварга кўпайди. Мам-лакатда умумий саникиз йил

ди, маъбурий таълимга ўтиш асосий қўлланма.

Хозирги пайтда монгол халқи МХРП XVIII съезди-да мамлакат экономикаси ва маданиятини янада ривож-лантириш, моддий фаровон-лигини ошириш соҳасида бел-гиланган вазифаларини амал-га ошириш учун курашмоқ-да.

МХРнинг тинчликсевар ташқи сиёсати кенг халқроқ обрў-эътибор қозонмоқда. Хозирги пайтда республика 90 та давлат билан диплома-тик алоқададир. У БМТ аъзосидир. 60 та халқроқ ташкилот ишида иштирок этмоқда.

1962 йилда МХР Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлди. Хозирги пайтда Монголия ЭИЭК доирасида 70 та программани амалга оширишда иштирок этмоқда.

Монголия Халқ Республи-касида социалистик қури-лишни амалга оширишда со-циалистик дўстлигимиз мам-лакатлари, биринчи навбатда Совет Иттифоқи кўрсатаёт-ган иқтисодий ва илмий-тех-никавий ёрдам ҳақ қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. СССР ёрдамида қурилган ики реконструкция қилинган корхона ва объектларда мамлакатда ҳосил қилинаёт-ган электр энергиянинг 80 процентдан кўпроғи, қазиб олинган газ, кўмирнинг 80 процентига яқини ва бошқа қўлпаб маҳсулотлар олин-моқда.

СССР ва МХР ўртасидаги товар обороти муттасил ортиб борапти. Ушбу беш йилда у аввалги беш йил-ликдагига нисбатан деярли икки бараварга кўпайди.

Мамлакатларимиз маъму-рий районлари, ташкилот ва муассасалари ўртасидаги бе-восита алоқалар ҳам йилдан йилга кучайиб борапти. Шу жумладан, МХР ва Ўзбеки-стон ССР ўртасидаги иқтисо-дий, илмий-техникавий ма-даний алоқалар тобора чу-қурлашмоқда, кенгаймоқда. Шунинг учун ҳам 1977 йил

1 ноябрда Тошкентда МХР Бош қўмуқлиги очилди.

Хозирги пайтда Ўзбеки-стон халқ Монголиясига қимматли машиналари, юз-прицеплари, пармалаш уску-налари, алоқа воситалари, кўприк қанайлари, кабеллар, компрессор станциялари, трансформаторлар, дизеллар, нефть ва химия маҳсулот-лари, газомоллар, чинии идишлар, умуман юз хилдан кўпроқ товарлар етказиб берапти. Шунингдек, монгол халқи саҳий дёриримизда етиштирилган сабзавот ва мева, бошқа ноз-неъматлар-дан баҳраманд бўлмоқда.

Совет Иттифоқи МХРга миллий кадрлар тайёрлашда катта ёрдам кўрсатапти. Ўт-ган ўқув йилида Ўзбекистон олий ўқув юртлари ва тех-никумларида қардон республикадан келган 350 йигит ва қиз таълим олди.

Монголия ва Ўзбекистон индодкор намоёндалари, спортчиларининг учрашувлари айтаъвайи тус олган. Ма-салан, Ўзбек ёзувчиларидан Мирмуҳсин ва бошқаларнинг асарлари монгол ўлига тар-жима қилинган. Ўз навбати-да Ўзбек китобхоналари мон-гол поэзияси ва прозасининг энг яхши намуналари би-лан танишиш имконига эга-дилар. Ўтган йил Ўзбеки-стонда ўтказилган Монголия кунлари халқларимиз ўрта-сидати дўстлигининг ёрқин намоёнига айланди. Маъ-лумки, 1962 йилда Монго-лияда Совет Иттифоқи кун-лари доирасида Ўзбекистон меҳнатшашларининг ютуқ-лари намоийш қилинган эди.

Совет кишилари вақт си-новидан ўтган бу қон-қар дошларча дўстлигини юксак баҳолайдилар ва уни янада мустаҳкамлашга интилади-лар. Монгол халқининг бу-гунги шодлига байрами кун-ида ҳам улар қардош маъ-лакат меҳнатшашларига эн-гиз тилакларини билдиради-лар.

Б. ИСЛОМОВ.

«ЛОЧИН» ПАРВОЗ ҚИЛДИ

ВАРШАВА. Польшанинг «Лочин» («Сокол») деб атал-ган янги вертолети синаш учун учурилла бошлади. Бу —Лобин яқинидаги Свид-ник инженерлари яратган биринчи поляк вертолети-дир. Польша матбуотининг хабар қилишича, совет ва поляк авиация техникаси конструкторлари ўртасида-ги мустаҳкам ҳамкорлик ту-файли шу янги машина юза-га келган.

(ТАСС).

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ПЛАНИ

БАЙРУТ. Ливан пойтах-тида миллий бирлик ҳуку-мати ишлаб чиққан хавф-сизликни таъминлаш плани-ни турмушга таъбиқ қилиш давом этмоқда. Шаҳарнинг шарқий ва ғарбий секторла-рини туташтирувчи яна уч-та йўл очилди. Жамоат иш-лари, транспорт ва туризм министри В. Жумбат халқ-ро аэропорт ва деңиз пор-ти ишини бошлаб юбориш ҳақида фармойиш берди.

Ливан матбуотининг ха-бар қилишича, Р. Караме бошлик министрлар каби-нети тоғли Шуф ва Алей рай-онларидagi вазиятни нор-маллаштиришга киришишни мўлжалламоқда.

(ТАСС).

СУРИЯ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДАМАШҚ. Сурия Араб Республикасининг вице-пре-зиденти Абдил Ҳалим Ҳад-дад мамлакат иқтисодий сиё-сий ташкилотлари намоён-даларининг бу ерда бўлиб ўтган кенашини қатнашчилик-ни ҳузурида сўзлаган нут-қида бундай деди: АҚШ Тель-Авивга сиёсий ва ҳар-бий соҳаларда кенг мадд бермаганида эди. Исроил янги ҳарбий авантюралар-га ва Сурияга қарши агрес-сиялар ҳозирлик қўла олма-ган бўлур эди. Бироқ, сио-низм ва империализм режа-лари асво рўёбга чиқмайдн, деб таъкидлади.

(ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАҚЛАР

● БЕЛГРАД. Бу ерда Ўртаердегизни мамлакатла-ри тараққийпарвар партияла-ри ва ҳаракатларининг конфе-ренцияси ўз ишнини тугалла-ди. Конференцияда бу реги-онини тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва иқтисодий та-риққийт зонасига айланти-риш масалалари учун куч му-ҳома қилинди.

Конференцияда қабул қи-лингн якуновли ахборотда халқроқ вазият, шу жумла-дан Ўртаердегизни райони-даги вазият ҳозир кескинла-шганлиги ҳусусида чуқур та-швиш назор этляди.

Қилаётган социалистлар би-лан социал демократлар ка-волицияси истефода чиқи-ши ва коммунистлар иш-тирокда чинакам демокра-тик ҳукумат тузилишини та-лаб қилди.

У Брага шаҳридаги ми-тингда сўзлаган нутқида хо-зирги ҳукумат мамлакат-нинг қалтис социал-иқтисо-дий муаммоларини ҳал этиш-га ноқобиллиги ва бундай қилишни истамаслиги билан ўз обрўсини бутунлай ту-ширди, деб ўқтирди.

● ЖЕНЕВА. Бу ердаги Миллатлар саройида инсон ҳуқуқлари комитетининг на-сбатдаги сессияси иш бошла-ди. Бу орган грандланлик ва

ТАКОМИЛАШТИРАЙЛИК БАҲОЛАЙЛИК

дан ускуналаниши амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ишлаб чиқариш ривожланиши бошқа-риш олдиға муҳим иқтисо-дий вазифалар қўймоқда. Бошқариш ва планлаштириш механизмини такомиллашти-риш, унинг таъсирчанлигини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларидан рационал фойдаланиш, барча имкони-ятларни ишга солиш, самарадорлигини ошириш ва те-жаскорликни ривож эттириш қонун қилиб қўйилмоқда. Бу ўз навбатида ишчи ва хо-матчилардан юқори маала-ли бўлиш, меҳнат интизом-ига қатъий риоя қилиш ва ҳаёма жойда ушшоқликни кучайтиришни талаб қилади.

КПСС Марказий Комите-тининг Бош секретари Уроқ К. У. Черненко Москва ша-ҳар Куйбисhev сайлов округи сайловчилари билан учра-шува сўзлаган нутқида кўрсатганидек, «Экономикани интенсив ривожлантириш проблемаларини анча зўр ғайрат билан ҳал эта оламиз ва шундай ҳал қилишимиз керак. Фақат шу асосидагина халқининг моддий ва маъна-вий талаб-ҳўхтежларини то-бора тўлиқроқ қондириш мумкин».

Бу программ вазифа яна ҳам олға — халқ хўжалиги-да чуқур сифат ўзгаришла-ри сано боравериш ва бош-қаришда самарадорлигини

янада ошириш зарурлигини кўрсатади.

КПСС XXVI съездида шахсининг ҳар томонлама уй-ғун камол топилишида, ки-шининг ўз қобилиятларини тўла-тукис рўбба чиқариши-да меҳнат коллективлари ва, айниқса, ишлаб чиқариш бригадаларининг роли катта эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Меҳнатни таш-кил этиш ва уни рағбатлан-тиришининг бригада формаси корхонадорлигини бошқариш самарадорлигини ошириш-нинг, меҳнатнашларни иш-лаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб этиш ва тарбия-лашининг муҳим воситаси эканлигини ҳаёт исбот қил-моқда.

Бугунги кунда биргина «Ташсельмаш» заводида бу-ғун ишчи-хизматчиларнинг 78 проценти бригадаларга юр-моқдан ҳолда меҳнат қил-моқда. 285 та бригада меҳ-натда иштирок этиш коэф-фициентни қўлланган ҳол-да пировард натижага қараб ҳақ тўланадиган ягона на-ряд асосида ишлатилди. Таш-кент трактор заводида 452 та бригада тугизилган бўлиб, ишчиларнинг 76 проценти, шу бригадаларга бирашган. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦПСнинг «Савоатда меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формасини янада

ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш тўғри-сида»ги қарориди қўрсатил-ганидек, бригадалар янги-мий ишлаб чиқаришни яна-да интенсификация катта роль ўйнамоқдалар, меҳнат коллективларининг асосий ишлаб чиқариш ва социал яеяйчаси бўлиб қолмоқда.



М. ТУРҒУНБЕКОВА номидаги Ўзбекистон ССР Давлат хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамбли репертуаридан ўзбек, қардош халқлар ва хорижий мамлакатларнинг энг яхши рақслари мустақам ўрин олган. Яқинда санъаткорлар Македонияда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунларида фаол иштирок этиб, ўз санъатларини зўр муваффақият билан намойиш қилди.

лар. Суратда: ансамбль қизлари македонча рақс кикро этишмоқда.

А. РИСКОВ ФОТОС.

(ЎзТАГ).

СЕНТЯБРЬ ТАРАДУДИ

ЯНА САККИЗТА МАКТАБ

ЮБИЛЕЙ йилида шаҳри-мизда 7407 ўринли 8 та янги мактаб, бир неча мактаб-ларда аса қўшимча синф хоналари ишга тушади. Бундай мактаблар Саперная, Саксоний кўчаларида, Юнус-обод, Қорақамш массивларида қад ростлапти.

Новомосковская кўчасида 1179 ўринли спорт мактаби қурилиши бошланди. Бу мактабни 159-трестнинг 8-қурилиш бошқармаси бунёд этапти. Бинокорлар мактабин юбилейгача ёшларга тортиқ этиш учун ғайрат билан ишлаяптилар. Айниқса Ю. Рязанов, Н. Кураг бошлқ комплекслы бригадалар графикадан ўзб барчага намуна бўляптилар.

С. СУЛТОНОВ.

АФГОН ШОИРИ А. К. АБАР — РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНИ

ТИНЧЛИК ПОСБОНИ

Борур тинмай замон олға,
Биз ҳам илдам қадам ташлаб
Борурмиз нур, истиқболга,
Халқимизни олға бошлаб.
Қоратилди ёни оқлар,
Инсонларки чеккан заҳмат,
Тортган чексиз ранж, қийноқлар,
Улар сари биз боргаймиз,
Умидлар чун йўл олғаймиз.
Борур тинмай олға замон,
Биз ҳам борурмиз олд томон.
Борурмиз деналар сари,
Нибонку даштлар сари,
Нибонку жаҳон сари,
Борурмиз кенг осмон сари.
Борурмиз ахтариб юлдуз,
Ҳадам эрур элу улус.

Борурмиз бизлар ҳар томон,
Ки бўлса ниқлоб, тугён.
Борурмиз мавж-туғён сари,
Янграган куй-армон сари.
Борурмиз муҳаббат бирлан,
Инсоний қадр-қиммат бирлан.
Токи заҳматкаш инсонлар
Чекмасин деб ғам-фиғонлар.
Элларга биз тинчлик кутиб,
Борурмиз юртлардан ўтиб.
Орауимиз — тинч бўлсин жаҳон,
Бизникидир кутлуг даврон.
Тинчлик нисбат кенг жаҳонга,
Айландик бизлар посбонга.
Тинчлик синонимиз — бизлар,
Жаҳон нигоҳимиз — бизлар.

Ашраф АЗИМИЙ тарикмаси.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИШЧИЛАРНИНГ ҒАЛАБА САЛЮТИ

Чирчиқ фронт нафаси
билан яшарди. 1942 йил-
нинг январидан Москва иш-
чиларининг пиландан ташка-
ри минглаб ҳарбий само-
лётлар, тўплар, миномётлар
ва ўқ-дори ишлаб чиқариш
юзасидан фронт орқасидан
барча меҳнаткашларга қар-
атилган мурожаати бутун
мамлакат бўйлаб баралла
янгради.

Бу қаҳриқча чирчиқлик-
лар амалий жавоб берди-
лар. Чирчиқ насос-компрес-
сор заводи (ҳозирги «Ўз-
бекхиммаш») ишчилари ҳар
кун пиландан ташкари 2-3
та жанговар техника ком-
плектини тайёрлай бошла-
дилар. Феврал ойининг
бошларида планга қўшимча
ишлаб чиқарилган миномёт-
ларнинг биринчи партияси
фронтга юнатилиди.

Ленин ордени кавалери
тоқар. Иван Коротенко
шундай ҳикоя қилади:
— Кеча — кундуз ти-
нимсиз ишлашга тўғри ке-
ларди. Энг сар қишқирлар
фронтга кетишди. Бир-
гина бизнинг цехимиздан
мастер Иван Башгайов,
слесарлар Александр Зай-
цев, Иван Габуров, прези-
ровачи Владимир Легкунов,
Назоратчи Иван Кош-
ман ва бошқалар кўнгилли-
лар сарфиди фронтга отла-
нишди.

Зайцев жангда ҳалок
бўлди. Кошман танда
ёниб кетди. Легкунов раз-
ведка пайтида мардларга
жон берди. Уларнинг ўли-
ми бизни янада катта ғай-
рат билан ишлашга ундар,
фашистларга бўлган нафрат-
тизимни оловлантлар эди.
Ун икки, ўн уч соатлаб
ишлардик.

Мен билан ёнма-ён Рус-
там Зоҳидов деган парма-
ловчи ишлардик. У билан
дўстлашиб кетдик. Рустам
ўз ишини пухта биладиган,
олижаноб инсон эди. Ўрус-
ча гапиролмас, мен эса ўз-
бекчаи тўшунмасдим, ле-
кин ана-унадек қўнли-қўнла
бериб ишлардик. Рустам ўз
касб маҳоратини тинмай
оширар, рус ишчилари таж-
рибасини сиқиллаб ўрга-
нарди. Ўш навбатда биз
ундан ёш ишчиларга му-
рабийлик қилишни, оғир
дамларда уларга ёрдам бе-
ришни ўрганиб олдик.

Бир кун Рустам ўзбек
ва рус тилларида ёзилган
варақа олиб келди.
— Ҳўйин Иван Игнато-
вич, мен ҳам ҳамма қатори
бу хатга имзо чекидим.
Бу ўзбек халқининг
фронтдаги ўғил-қизларига
мақтуб бўлиб, унда 2 мил-
лион 400 минг кишининг
имзоси бор эди.

Ана шундай пайтларда

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

«СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ
ТРАКТОР ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
БИРЛАШМАСИНИНГ

176-ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХ-
НИКА БИЛИМ ЮРТИ

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ
НИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Иш участкаларидаги электр-қўрик кранлари машини-
сти, қизини иш участкаларида ишловчи электрослесарь,
электр пайвандловчи. Ўқиш муддати — 1 йил;

металл моделлар бўйича моделчи, автослесарь-электро-
кара бошқарувчи малакасини олган ҳолда, ўқишни ту-
гатган транспорт ҳайдаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома бе-
рилади (бу мутахассислик бўйича ўқувчилар ётоқхона
билан таъминланмайдилар), электрик, электр пайванд-
ловчи, саноат ускуналари ремонтни бўйича слесарь-меха-
ник, ОТК контролёр, дурадгор. Ўқиш муддати — 3 йил;

фрезеровкачи-универсал, иш участкаларида саноат
ускуналарини содлаш ва ремонт қилиш бўйича слесарь-
механик, электр-қўрик кранлари машиништи, саноат
трактор-механика йиғуш ишлари слесари малакасини ол-
ган ҳолда, ўқишни тугатган транспорт ҳайдаш ҳуқуқини
берувчи гувоҳнома берилди, токарь-универсал. Ўқиш
муддати — 1 ва 3 йил.

Билим юртини туғатганлар тўлиқ ўрта маълумот ва
мутахассислиги тўғрисида диплом оладилар ва олий ўқув
юртларига ўқишга киришда имтиёزلардан фойдаланади-
лар.

Ўқишга қабул қилинганларнинг барчаси 3 маҳал оқват,
кичим-бош, махсус нийм билан таъминландилар, зарур
бўлган кишиларга секция тилидаги ётоқхонадан жой
берилди. Ўқиш даврида ўқувчиларга ишлаб чиқариш
практикаси жараёнида ишлаб топилган маблағнинг бир
қисми туланади.

Билим юрти яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари,
устахоналар, стадион, спорт зали, бассейн барча қулай-
ликлар билан секция тилидаги яхши жиҳозланган ётоқ-
хонага эга. 6 тўғарак ва 11 спорт секцияси ишлаб туриб-
ди. Ўстрада, дуюхов ва миллий ансамбллар мавжуд. Би-
лим юрти қошида ДОСААФ спорт-техника мактаби
филиали (картинг ва мотоспорт) фаолият кўрсатаётир.
Ёзги таътил даврида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори
яқинида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Ўқишга киришда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги
тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти тўғ-
рисида гувоҳнома, турар жойидан справка, ота-онасининг
иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма),
6 донна фотосурат (3х4 см.), характеристика.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700177, Тошкент шаҳри, 1-Ташавтомаш
массиви (17, 1, 13, 16, 24 — автобуслар, 28 — маршрут
таксисининг «Трактор заводи» бекати).

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим
министрлиги

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

1984—85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:
8—10 СИНФНИ БИТИРГАНЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИ-
СОСЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

саноат корхоналарида электр ускуналарини ўрнатиш,
суюлтиш компрессор машиналари ва ускуналар, электр-
рон-ҳисоблаш машиналари асбоблари ва қурилмалари,
автоматик ва назорат системаларини монтаж қилиш ва
содлаш, ҳисоблаш ва аналитик-ҳисоблаш машиналарини
ишлатиш ва ремонт қилиш, электр асбобсозлиги, ташки-
лий-техника воситалари.

Аризалар 8-сифини битирганлардан 31 июль-
гача, 10-сифини битирганлардан 14 августгача қабул қи-
линади.

КЕЧКИ БЎЛИМГА:
10-СИНФНИ БИТИРГАНЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИ-
СОСЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

саноат корхоналарида электр ускуналарини ўрнатиш,
суюлтиш компрессор машиналари ва ускуналар, кабелъ
ва симлар ишлаб чиқариш, металлларни кесиб ишлаш,
электр асбобсозлиги, автоматик ва назорат системалари-
ни монтаж қилиш ва содлаш, электрон-ҳисоблаш маши-
налари, асбоблари ва қурилмалари.

АРИЗАЛАР 15 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНА-
ДИ.

Кириш имтиҳонлари: кундузги бўлим учун 1 август-
дан 21 августгача; кечки бўлим учун 20 августгача;
сиртки бўлим учун 20 августгача;

10-сифини битирганлар учун: она тили ва адабиётдан
(иншо), математикадан (оғзаки).

8-сифини битирганлар учун: она тилидан (диктант),
математикадан (оғзаки).

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ
БОРИЛАДИ.

Техникум адреси: 700041, Тошкент шаҳри, Қуйишев
райони, Бабушкин кўчаси, 4-уй (1, 17 «а» автобуслар-
нинг «Социалистик шаҳарча» бекати, 13, 22-трамвай-
ларнинг «Академиклар шаҳарчаси» бекати, 17-троллей-
буснинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефонлар: 62-56-27,
62-15-71.

ТЕАТРАЛЕНИЕ

БУГУН

МТ I. 9.00 — Время. 9.40 —
Концерт. 10.10 — «Саватхат-
лар клуби». 11.10 — «Оталар
ва болалар. Бедний фильм. 2-
серия. 21.30 — Время. 22.05 —
«Митинг «Оптика» фондидан». 23.10 — Фильм-концерт. 23.50 —
Дунё воқеалари.

МТ II. 9.00 — Эртабани
гимнастика. 9.20 — Телефильм.
9.30 — 11.05 — «Эртага ке-
линг». Бедний фильм. 11.35 —
Донеш архитектура. 12.00 —
«16 йшгача ва ундан катта-
лар». 12.45 — Концерт. 13.10 —
Болалар учун фильм. 13.35 —
13.50 — Мультифильм. 14.20 —
Тележурнал. 14.50 — С.
Фильм-концерт. 15.20 — С.
Щипачёв поэзияси. 15.50 —
Концерт. 16.20 ва 18.30 — Ян-
гиликлар. 18.50 — «Гангстер
бўлмаган азиями». Бедний
фильм. 20.00 — 20.30 — Кўп-
лаб сифатли товарлар етказиб

СССР ТРАНСПОРТ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИ
ЎРТА ОСИЕ МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИНИНГ
ТОШКЕНТ ТЕХНИКА МАКТАБИ
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ВПО-3000 машиништи, ер кавловчи ВКЗ машиништи.
Машгулотлар — 1 октябрдан бошланади.

НОВОСИБИРСК ТЕХНИКА МАКТАБИ
ВПО-1200, ВПРС-500 МАШИНИСТИ.
Машгулотлар — 1 сентябрдан бошланади.
ЙУЛ ЕТҚИЗУВЧИ КРАНЛАР МАШИНИСТИ.
Машгулотлар — 1 октябрдан бошланади.
ТЕХНИКА МАКТАБЛАРИДА ЎҚИШ МУДДАТИ —
6 ОН

Мактабга 18 ва ундан катта ёшдаги эркаклар, шунинг-
дек Совет Армияси сафларида хизмат муддатини ўтаб
қайтганлар қабул қилинади.

Техника мактабларида ўқиш пайтида дастлабки 3 ой
давомида аввалги иш жойида олган маош миқдоридан
ўртача иш ҳақи, кейинги 3 ой давомида эса 76 сўм миқ-
дорда стипендия туланади.

Техника мактабларини битирганлар Ўрта Осиё, Қозо-
ғистон ва Урал районларида янги темир йўл ҳамда
электрлаштириш линиялари қуришда ишлаш учун юбори-
лади.

Ўрта Осиё механизация бошқармасининг ходимлари
темир йўл транспорт ходимлари учун белгиланган имти-
ёзларидан фойдаланадилар. Юбориладан жойида 11 ой
ишлагандан сўнг ишлатган кишига ва унинг қарамогидан
бир кишига бепул билет берилди.

Адрес: 700044, Тошкент шаҳри, 44 — алоқа бўлими.
Бенгурская кўчаси, 29 — «а» уй (темир йўл вокзалидан
6 — маршрут таксисидан охиригача борилади).

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув ҳўжалиги
министрлиги

В. А. ВИЛЬБАС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ГИДРО-
МЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА
КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Гидромелиорация — техник — гидротехниклар; гидро-
мелиорация ишларини механизациялаш — гидромелиорация
ишларини механизациялаш бўйича техник-механик-
лар; сув ҳўжалиги системаларининг автомат қурилмалари-
ни ишлатиш — техник-электромеханиклар тайёрлайди.

8 — сифини битирган 30 йшгача бўлганлар қабул қи-
линади.

Ўқиш муддати — 3 йилу 10 ой.

10—11 сифини битирганлар 2 — курсга қабул
қилинадилар.

Ўқиш муддати — 2 йилу 8 ой.

Гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш ихтисоси бўйича кирувчилар кириш имтиҳонлари-
сиз, 8 ва 10 — сифини битирганлиги ҳақидаги шаҳодатнома ва аттестатлар конкурс бўйича қабул қилинади.

Сув ҳўжалиги системаларининг автомат қурилмалари-
ни ишлатиш бўлимига ўрта маълумотли, аттестатидан 4 ва
5 баҳолари бўлганлар ҳам кириш имтиҳонларисиз маълумоти
тўғрисидаги ҳужжатлари конкурс асосида қабул қилинади
(Ўқиш Ўзбек тилида олиб борилади). Қолганлар она тили ва адабиётдан (иншо), математикадан (оғзаки)
кириш имтиҳонлари топирадилар.

ИМТИҲОНЛАР 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА
ЎТҚИЗИЛАДИ.

Техникумга қабул қилиш ҳақида директор номига ёзил-
ган ариза 8 — сифини битирганлардан 31 июльгача, 10 —
11 сифини битирганлардан 14 августгача қабул қилина-
ди.

Ариза шаходатнома ёки аттестат (асли), 3х4 см. ҳаж-
мида 4 донна фотосурат, соғлиги тўғрисида (286) у форм-
мадаги медицина справкаси қўшиб топиради. Амалий иш
стажига эга бўлганлар меҳнат ёки колхоз дафтарча-
сидан қўшимча топирадилар.

Паспорт, ҳарбий билет ёки руҳхатдан ўтганлиги ҳақи-
даги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Техникумга қабул қилинганлар умумий асосларда
ётоқхона ва стипендия билан таъминландилар.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, 7 — алоқа бўлими,
Қола переулки, 1 — уй. Гидромелиорация техникуми
(13, 17, 24 автобусларнинг, 17, 18 — троллейбуслар-
нинг «Марказий статистика бошқармаси» бекати; 13,
22 — трамвайларнинг «Гидромелиорация техникуми»
бекати).

Ф. Ҳўжаев номли-пойабзал фабрикаси қошидаги
143 ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
НИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича малакали мута-
хассислар тайёрлайди: пойабзал қисмларини бичувчи,
заготовочка тикувчи, пойабзал тикувчи, тайёр махсулотни
қабул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электро-
монтер, конструктор-модельер, модалы пойабзал тикувчи.

Билим юртига қабул қилинган 8 — 10 сифини тамом-
лаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муда-
ти 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминлан-
дилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини
оладилар.

Билим юртини битирганлар 1-поябзал фабрикасида
ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ
чиқариши учун пойабзалчилар маданият саройи ва унда-
ги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўғараклари мунта-
зам ишлаб турибди.

Билим юртида ишчи ёшлар мактаби бор.

Билим юртида бепул бичиш — тикиш курси бор. Би-
тирганларга гувоҳнома берилади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини аъло ёки яхши битирган ўқувчиларга
техникум ва институтларга йўллана берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни
тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти
ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки
паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида
справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 донна фотосурат.

ҲУҲЖАТЛАР ҲАР КҮНИ (якшанбадан ташқари)
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўча-
си, 6-уй (3, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Поябзал фаб-
рикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

«Абитуриент—84», 19.30 —
Телефильм. 20.00 — Тошкент ян-
гиликлари. 20.20 — Кинопро-
грамме. 21.00 — «Паркада ёз»,
21.30 — МТ II.

Ўзбекистон КП Оржони-
кидзе район комитети ва
халқ депутатлари район со-
вети ижроа комитети рай-
он партия комитетининг
пропаганда ва агитация бў-
лими мудир

Сайдулла
ГАНИХУЖАЕВИЙ

вафот этганлигини чуқур
кайғу билан билдириб,
марҳумнинг оила аъзолари,
га таъзия изхор қиладилар.

ЯНГИЛИКЛАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
ВА ЎЗТАГ МУХБИРАРИ
ҲАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЯНГИ МАХСУЛОТ

ЯНГИЙЎЛ районидан
биохимия заводида янги
махсулот ишлаб чиқари-
ла бошланди. Бу — аммо-
ний легиинидир. У қишлоқ
ҳўжалиги махсулотлари ҳо-
силдорлигини оширишда
кимёвий ўғит сифатида иш-
латилади.

Уттан йили завод инже-
нер-химиклари Ўзбекистон
ССР Фанлар академияси-
нинг ўсимлик моддалари
химияси институти олим-
лари билан биргаликда ўт-
казган тадқиқотлари нати-
жаси самарали бўлди.

Аммоний легииндан фой-
даланилгач пахта ҳосилдо-
рлиги 2—3, сабзавот эса 5
центнерга орттири аниқлан-
ди.

Шу йилнинг ўзида заво-
д бундай ўғитдан 2000
тоннага яқин тайёрланди.
У оталиқдаги Янгийўл рай-
онининг Н. Нисозов номида
«Ленинизм», «Партия XXI
съезди», «Интернационал»
колхозларига жўнатилади.
Деҳқонлар янги препарат
самарасига катта умид бог-
ламоқдалар.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

ТЕЖАЛАДИ

«ТЕХНОЛОГ» илмий
ишлаб чиқариш бирлашма-
си олимлари электр энер-
гияси сарфидини қисқар-
тирадиган махсус қурилма
иятдилар. У саноат корхо-
налари электрохимия цех-
ларининг гальваник ванна-
ларига ўрнатилади. Одатда
бу ванналарда баъзан ор-
тинча энергия сарф бўлар
эди. Янги қурилма ўрна-
тилгач, ҳар бир ваннада
йилгига бир ярим киловатт
электр энергия тежалди
ва меҳнат унумдорлиги ик-
ки баравар ортади.

ЗАВОДДА МУЗЕЙ

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40
йиллигига бағишлаган жан-
говар Шов-шўҳрат музейи
«Тошкент трактор заводи»
ишлаб чиқариш бирлашма-
сида очилди. Унда Улуг
Ватан уруши йилларида шу
корхонадан фронтга кетиб,
мардонавор жанг қилган
тракторсозлар ҳақида ҳикоя
қилинади. Собиқ жангчи-
ларнинг портрет ва ҳуж-
жатлари музей экспонатла-
рининг асосини ташкил э-
ди. Шунингдек, бу ерда
уруш йилларида корхонада
ишлаб чиқарилган ўқ-дори-
лар, коллективнинг ғалаба-
да қўшган ҳиссаси ҳақида
ҳикоя қиладиган материал-
лар ҳам бор.